

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР

илмий мақолалар
тўплами



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

**МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА
УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

илмий мақолалар тўплами

9-китоб

Тошкент – 2017

МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ МУЗЕЙЛАР РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Орифжоновна Г.Р.

К.Бехзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

В статье анализируется музейный туризм и его аспекты.

Ключевые слова: туризм, музейный туризм, внешний и внутренний туризм, трансфер.

The article analyzes museum tourism and its aspects.

Key words: tourism, museum tourism, external and internal tourism, transfer.

Туризм сўнгги йилларда иқтисодий ҳаётнинг глобал интеграциялашувида муҳим омил бўлиб, мамлакатларнинг жаҳон бозорига киришида ўзига хос механизм сифатида иштирак этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон миллий туризмнинг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг таянч нуқтасига айланади. Археологик қазилмалар, топилган осори-атиқалар бугун дунё эътибори Ўзбекистонга қаратилаётганидан далolat бермоқда. Музей туризми – кенг тарқалган соҳа бўлиб, турли мамлакат, халқ, миллатлар тарихи, уларнинг маданий мероси, дини, урф-одати ҳамда маросимлари, хусусан, санъати тўғрисида атрофлича маълумот беради, шунингдек, маданий дам олиш учун имкониятлар яратади.³²⁶

Кўплаб соҳа мутахассислари маданий туризмни яхлит мажмуа сифатида талқин этишади. Туризмнинг билиш аспекти янги ҳиссиёт, таассурот ва маълумот олиш билан ўлчанади. Туризмнинг маданий аспекти коммуникация ва мулоқот жараёни орқали маданиятга кириб бориш ҳисобланади.

Музей туризми маданий туризмнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган бир даврда музейлар маркетинги ва менежменти масалаларини ривожлантиришда музей туризмни тўғри йўлга қўя олиш муҳим ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи музейлари иқтисодий ҳаётида музей туризми асосий даромад манбаларидан бири сифатида муҳим

аҳамият касб этади. Музей туризми тушунчаси моҳиятига кўра музейлар ўзининг фаолияти доирасида туризм бўйича ўз малакаларини ошириши ва музейнинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган куйидаги чора-тадбирларни амалга оширишини ифодалайди:

- сайёҳларни жалб қилувчи экспозиция яратиш;
- ташқи ва ички экскурсия (бунда ташқи экскурсия мамлакатга хориждан келадиган туристлар учун, ички экскурсия эса мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ташриф буюрувчилар учун мўлжалланган экскурсия сифатида талқин этилади);
- музей дўконларини ташкил қилиш;
- туристик мавсум давомида сайёҳлар учун қулайликлар (жойлаштириш, овқатланиш, трансфер, маълумот билан таъминланганлик) яратиш.

Музей туризми тарихий ва маданий ҳудудларни намоёништириш этиш гоёсига асосланган бўлиб ўз атрофига музейга бўлган илмий, информацион ва бошқа анъанавий қизиқишларни бирлаштиради. Аммо музей коллекциясининг таркиби ва музей ихтисослигига бўлган қизиқиш доимо биринчи ўринда туради.

Музейнинг туристик маҳсулотлар яратиш жараёни бевосита куйидаги омилларга боғлиқ ҳисобланади:

- маданий мероснинг ҳудудий талқини;
- музейнинг ихтисослиги билан боғлиқ музей туризмга оид ижодий ечимлари.

Музей туризмнинг анъанавий кўриниши мустақил сайёҳат қилувчи туристик фирмалар хизматларидан фойдаланмайдиган алоҳида ва кичик гуруҳдаги туристлар билан ишлашга йўналтирилган бўлади. Бунда туристлар асосан хорижий тилни билувчи музей экскурсоводи хизматидан фойдаланишади. Музей туризмнинг келтирадиган даромади музей қошидаги кичик совғалар учун дўкончадаги харидлар, экскурсия ва фото учун тўланадиган тўловлар билан ўлчанади.

Сўз мустақил равишда ташриф буюрувчи туристлар ҳақида кетганда музей ҳақиқатдан ҳам қабул қилувчи томон сифатида – туроператор ўрнида фаолият олиб бориши мумкин.

Аммо кенг маънодаги музей туризми тушунчаси туристик давр мобайнида музейда маданий дастурлар, оммавий томошалар ва бошқа қизиқарли тадбирларни ўзида қамраб олади. Бундан

³²⁶Мухамедова М. Ўзбекистонда маданий туризм // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012. № 2. – Б. 24.

ташқаримузейлар туристик фирмалар билан шартнома тизимида фаолият олиб боришни йўлга қўйган бўлиши лозим. Музейлар амалиётида туристик фаолиятнинг турлари ва шакллари сифатида туристик фирмалар билан шартнома асосидаги туристик маршрут, реклама ва маълумот хизмати тушунилади.

Музей туризмида музей ишлаб чиқарувчи объект сифатида қуйидаги маҳсулотларни тақдим этиши мумкин:

- экспозиция ва кўргазмалар;
- экскурсия ва лекциялар;
- махсус дастурлар;
- инфраструктура ва жамоанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолдаги турли хил хизмат турлари;

– сифатли ва бетакрор сувенирларни музей этикеткалари асосида ёки сертификатлаш билан сотувга қўйиш. Бунда музейнинг ноёб экспонатларининг нусхалари асосида сувенирлар ишлаб чиқариш реклама вазифасини ўтайди;

– китоблар, каталоглар, буклетлар ва бошқа босма нашр маҳсулотлари, видеофильм, слайд, CD ROM ва бошқа босма ва замонавий информацион технологиялар воситасидаги маҳсулотлар.

Шу билан бирга музейлар бизнес фирмалардан фарқланади. Музейларнинг бутун мақсади даромад олишга қаратилмаган. Музейнинг биринчи навбатдаги вазифаси ноёб музей аҳамиятига эга ашёларни йиғиш, уни келажак авлодга сақлаш ва тарих, фан ва санъат ёдгорликларини илмий ўрганиш, шарҳлаш ва тушунтириш ҳисобланади. Музейларнинг салоҳиятига уларнинг даромадига, музей туризмнинг ривожланганлигига эмас, балки бошқа кўплаб ижтимоий омилларга қараб баҳо берилади.

Музейлар салоҳиятига таъсир этувчи ижтимоий омишларни А.В.Романчук қуйидагилар сифатида санаб ўтади:

- музейга ташриф буюрувчилар сони;
- кўргазмалар сони ва сифати;
- тадқиқотчилар, талабалар ва имтиёздан фойдаланувчилар сони;
- музей дўстлари жамияти ва клубларининг янги аъзолари сони;
- кўнгилли аъзоликни сақланганлигига қараб;
- волонтерларга чегирмалар;

- ишчи ўринларига танлов;
- профессионаллар жамиятининг эътирофи;
- жамият эътирофи.³²⁷

Музей туризмни ривожлантириш омили бу яхши йўлга қўйилган рекламадир. Музейга оид рекламалар интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда оммалаштирилса бугунги ривожланган глобал дунё кишиларини музейларга жалб этиш янада осонлашади.

Музей қошида сифатли хизмат кўрсатувчи ошхона ва тамаддихоналарнинг бўлиши туристик мавсум давомида сайёҳатчилар учун хизмат қилса, «ўлик мавсум» да эса шаҳар меҳмонлари, музейга яқин атрофдаги ташкилотлар ишчиларини ҳам бир томонлама бўлсада, музейга жалб этади.

Музей туризмни ривожлантиришда музей қошида махсус устахоналарни йўлга қуйиб, ташриф буюрувчи сайёҳларга ўз қўли билан музейдаги бирор-бир экспонатнинг нусхасини тайёрлаш имкониятини берадиган қизиқарли дастурларни йўлга қўйиш лозим. Масалан, музей худудидаги кулолчилик, заргарлик устахоналарида бу ишни амалга ошириш имконияти мавжуд. Туристлар учун ўз қўли билан тайёрлаган санъат асари нусхаси бир олам таассурот уйғотади.

Тошкент музейларига энг кўп тарзда туристларни жалб этишнинг яна бир усули туристик фирмалар билан кўп сонли шартномаларга эришишдир. Туристик маршрут давомида алоҳида дастур сифатида қизиқувчилар ва танишишни хоҳловчилар, мутахассислар учун фақатгина музейларини қамраб олувчи махсус маршрутлар лойиҳаларини яратиш лозим.

Бугунги кунда маданий туризмнинг бир тармоғи ҳисобланган музейлар туризми айни кунда жадал ривожланиши лозим бўлган музейшуносликнинг долзарб масалаларидан бири сифатида мутахассислар томонидан эътироф этилади. Мустақиллик йилларида музей туризми тушунчаси музей маркетинги ва менежменти масалалари сифатида музейлар фаолиятига кириб келди. Бугунги кунда музей туризми музейларнинг алоҳида тармоғи кўринишида тараққий этмоқда. Бу даврда Тошкент музейлари фаолиятида музей туризмнинг анъанавий кўриниши

³²⁷ Романчук А.В. Музейный туризм / Учебно-методическое пособие. – СПб: Санкт-Петербургский государственный университет, 2010. – С. 4.

тараққий этганлигини кўриш мумкин. Эндиликдаги музейлар олдида турган асосий вазифалардан бири музей туризми доирасида маданий дастурларнинг замонавий кўринишларини яратиш ҳисобланади.

МУЗЕЙ – ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ходжаева У.М.
МРДИ кафедра мудири

Аннотация

В данном статье дана понятия о музеях и его роль в культурном наследии. А также, музеи в двадцать первом веке. Следует также отметить, что любая форма музеев, считается в ряди духовных и нравственных ценностей.

Ключевые слова: музей, памятник, виртуальные музеи, экспонат, интерактивный музей, культурная наследия.

This article gives an idea of the museums and its role in the cultural heritage. And also, museums in the twenty first century. It should also be noted that any form of museums is considered in the ranks of spiritual and moral values. Key words: museum, monument, virtual museums, exhibit, interactive museum, cultural heritage. This article gives an idea of the museums and its role in the cultural heritage. And also, museums in the twenty first century. It should also be noted that any form of museums is considered in the ranks of spiritual and moral values.

Key words: museum, monument, virtual museums, exhibit, interactive museum, cultural heritage.

Мана, инсоният иккинчи ўн йилдан ошдики, XXI асрни яшаб ўтмоқда. Бу асрда илм-техника баланд чўққиларга кўтарилди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлар қаторида, шубҳасиз, жамиятимизда музейлар ўз ўрнини аллақачонлар, илк ўрта асрлардаёқ эгаллаб олган. Зеро, музейлар ўтмиш тарихимиздан далолат беради, авлодларга кимлигимизни ёдга солади. Зотан музейларнинг вазифаси фақат шундангина иборат эмас.

Луғавий маъносига кўра, музей атамаси (юнонча *мусион* сўздан келиб чиққан бўлиб, музалар уйи маъносини англатади). Дастлаб мазкур атама санъат ва илм-фанга оид тўпланган ашё-буюмлар коллекциясини англатган. XVIII асрдан эътиборан музей

деганда экспонатлар қўйилган бино тушунилган. Ҳозирга келиб, музей деганда, биз нимани тушунамиз? Аслида вазифаси нуқтаи назаридан, музей – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни топиш, уларни сақлаш, ўрганиш ва уларни тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий, илмий-маърифий муассаса демакдир. Музей бойлиги, асосан, моддий ва тасвирий жисмлар, санъат асарлари, шунингдек, ёзма манбалардан (қадим замондан ҳозирги давр қадар тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма хужжатлар, китоблар) ташкил топади.

XIX асрдан бошлаб эса музейларда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ҳам бизнинг тасаввуримиздаги музейлар зиммасига юклатилди. XX асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб музейлар педагогик фаолият, яъни таълим-тарбия ишларини олиб борадиган бўлди (болалар, ўсмирлар ва катталар учун алоҳида таълим лойиҳалари шулар жумласидандир).

Интерактив музейлар XIX асрда пайдо бўлган, десак янглишмаймиз. Бу асрда илк оммабоп музейлар пайдо бўлди, яъни экспонатлар шиша қолбага солиниб намойиш қилинди. Бу қолбаларга тегиниш мумкин эмасди. Бугунга келиб эса, айниқса, илмий музейларда интерактив кўргазмаларда компьютер технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилиши билан экспонатлар янада ёрқинроқ намойиш қилина бошланди.

Ҳозирда аксарият музейлар ўз фаолияти жиҳатидан тадқиқотлар олиб бориш ҳамда таълим-тарбиявий вазифаларини бажариши билан эътиборга лойиқдир. Музейнинг ўзига хос илмий-оммабоп ва тарбиявий шакллари – унга қўйилган экспозиция ва кўргазмаларда акс этади, яъни ана шулар орқали музей ўз вазифаларини адо этади. Замонавий илмий классификация қилинишига кўра музейлар тур ва соҳаларга бўлиниши билан бир-бирларидан фарқ қилади. Музей ижтимоий вазифасига биноан илмий тадқиқот-маърифат (бу музей фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади ва баъзан бундай музейлар халқ музейи, оммавий музей деб ҳам юритилади); тадқиқот қилувчи (илмий текшириш институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайдиган музейлар) ва ўқув музейларига бўлинади.

Бундай музейлар ҳар хил соҳаларга бўлиниши жиҳатидан тарих, қишлоқ хўжалиги, табиатшунослик, адабиёт, техникага оид

<i>Мухамедова М.</i> Ёдгорликларни муҳофаза қилиш халқаро тизимининг шаклланиш асослари.....	320
<i>Каюмова Ш., Каюмова Д.</i> Музей экспонатларини замонавий техника ёрдамида сақлаш ва намойиш этиш.....	326
<i>Нишанова К.</i> ЮНЕСКО ва музейлар халқаро кенгаши (ICOM) фаолияти.....	330
<i>Абдурашидова Н.</i> Бренд ва бренд-менежментнинг таҳлил қилиш услублари ва аҳамияти.....	334
<i>Гулямов Р.</i> Музей ташрифчилари учун мультимедиа.....	341
<i>Ходжаев Б.</i> ЮНЕСКОнинг жаҳон тарихий-маданий меросини асраш соҳасида олиб бораётган фаолияти.....	346
<i>Орифжоновна Г.</i> Маданий туризмнинг музейлар ривожигаги ўрни.....	352
<i>Ходжаева У.</i> Музей – тарих кўзгуси.....	356
<i>Хакимова О.</i> Ўзбекистон худудидаги дастлабки ипак ва абрли матолар тарихи.....	360
<i>Саидова З.</i> Қадимий газламаларни сақлаш муаммолари.....	365
<i>Бегижонов Ж.</i> Бобур ва бобурийлар меросининг музейларда акс эттирилиши.....	370
<i>Ганиева Ч.</i> Хива меъморчилиги: тарихий ва замонавий анъаналар Нуруллабой саройи талқинида.....	374
<i>Қосимова Ш.</i> Музейлар фаолиятида маданий-таълим йўналишининг истиқболлари.....	377
<i>Гаипова М.</i> Тарихий-маданий объектлар асосидаги табиат ёдгорликлари ва пейзажларни асраш муаммолари ва қонуниятлари.....	382
<i>Бекенова А.</i> Ўзбекистон давлат санъат музейида халқ амалий санъати коллекцияларининг шаклланиши тарихидан.....	385
<i>Аҳмеджанов Н., Юлдашев Ж.</i> Музейлар тарихимизнинг кўзгуси.....	390
<i>Шукуралиева Ш.</i> Жамиятнинг маънавий ҳаётида рекламанинг тутган ўрни.....	394
4-ШЎЪБА. УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ	399
<i>Иноятов Қ., Маматов У.</i> Тарихий реализмнинг тасвирий санъатдаги нуқтаи назарлари.....	399

<i>Чурсина В.</i> Перспективы развития отечественного дизайн-образования.....	403
<i>Нуридинова Т., Набиева О., Ерназаров Ф.</i> Ўзбекистон рассомлари ижодида оила мавзуси (Ўзбекистон давлат санъат музейининг тасвирий санъат асарлари мисолида).....	408
<i>Исматуллаев Ф.</i> Маориф соҳасидаги халқаро алоқаларни ривожланиши.....	412
<i>Миркомиллов Б.</i> Тарих дарсларида Ўрта Осиёда уйғониш даври бадиий қадриятларини ўргатиш.....	417
<i>Исмаилов А.</i> Тарих машғулотида тарихий тасаввур ва онгни шакллантиришда музейларнинг аҳамияти.....	422
<i>Мирзаев Ф.</i> Миллатлараро дўстлик ва тотувлик – умумбашарий қадриятларнинг муҳим омилидир.....	428
<i>Аҳмедова Г.</i> Ёшларда маънавий онгни шакллантиришнинг аҳамияти (бошланғич синфларда ўқиш дарслиги мисолида).....	434
<i>Гайсина Р.</i> Роль общечеловеческих ценностей в воспитании молодежи.....	438
<i>Агзамова З.</i> Аждодларимизнинг буюк маънавий мероси.....	443



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYI

“ MODDIY - MA'NAVIY MEROS VA UMUMBASHARIY QADRIYATLAR ”

nomli Respublika ilmiy - amaliy anjumanidagi
faol ishtiroki uchun

ORIFJONOVA GULIRA'NO RAVSHAN QIZI

S E R T I F I K A T

bilan taqdirlanadi

Muzey direktori:

J.X. Ismailova



2017 - yil 5 - may